

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича чора-тадбирлар

Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш борасидаги миллий мақсадлар (8-мақсад) бир нечта вазифаларни амалга оширилишини кўзда тутди. Жумладан:

меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тезкор ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар, ногиронларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, самарали бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароитлар яратиш (8.3-вазифа);

2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронларни барқарор ва самарали бандлик ҳамда муносиб иш ўринлари билан, шунингдек, тенг қийматли меҳнат учун бир хил миқдордаги иш ҳақи тўланишини таъминлаш (8.5-вазифа).

Мамлакатнинг ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий тараққиётида аҳолининг самарали бандлиги, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Чунки, ҳар қандай давлат ва жамиятда ишлаб чиқаришнинг бирламчи кучи - бу меҳнат ресурслари ҳисобланади. Зеро, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-қисми, яъни “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорининг ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш каби масалалар белгиланганлиги ушбу вазифаларнинг долзарблиги оширади.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда 33 900 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг 56 %и ёки 19,0 млн.дан ортиғи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Шундан 15,0 млн. киши иқтисодий фаол аҳоли бўлса, ишсизлар сони 1,35 млн., ишсизлик даражаси 9,0% атрофида қолмоқда. Бироқ ушбу рақамни ўтган йилнинг мос даврига солиштирганда 0,3 %га пасайиш кузатилганини таъкидлаш лозим.

Аммо мамлакатнинг юқори демографик салоҳияти (аҳоли сонининг йиллик жами ўсиш миқдори 1,9-2,0 % атрофида қолмоқда), йилдан йилга меҳнат бозорига бўлаётган босимнинг ортиши (ҳар йили таълим масканларини 500-550 минг атрофида ёшлар битиришмоқда) ва бошқа омиллар келгусида ҳам бандлик сиётсатини ҳар томонлама, пухта ўйланган стратегиялар орқали амалга ошириш, ишсизликни имкон қадар қисқартириш, айниқса аҳолининг кам таъминланган қисми, аёллар ва ёшлар бандлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишла чиқиш устувор вазифалар бўлиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари
кўрсаткичларининг ўзгариши (йил бошига нисбатан)**

	Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2020 й.
1.	Аҳоли сони, минг киши	28 001,4	31 022,5	33 905,8
	<i>ўтган йилга нисбатан, %да</i>	<i>101,7</i>	<i>101,7</i>	<i>102,1</i>
2.	Меҳнат ресурслари сони, минг киши	16 726,0	18 276,1	19 007,8
	<i>ўтган йилга нисбатан, %да</i>	<i>103,9</i>	<i>101,3</i>	<i>101,0</i>
3.	Иш билан банд аҳоли сони, минг киши	11 628,4	13 058,3	13 541,1
	<i>ўтган йилга нисбатан, %да</i>	<i>102,7</i>	<i>101,9</i>	<i>102,0</i>
4.	Ишсизлик даражаси, %	5,4	5,2	9,0
	<i>ўтган йилга нисбатан, %да</i>	<i>108,0</i>	<i>102,0</i>	<i>96,8</i>

** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.*


Ўзбекистонда ҳозирда аҳоли иш билан бандлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўтган 2019 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар аҳоли бандлиги соҳасида ўзига хос бурилиш йили, бўлди, дейилса муболаға эмас. Биринчи навбатда, ўтган йилдан бошлаб илк марта йиллик давлат дастурлари ўрнига алоҳида қарор билан янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат буюртмаси шакллантирилди. Ундаги асосий ўзгаришлар сифатида илк марта бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, асосан ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар учун субсидиялар, иш берувчилар учун ишсиз аҳолини касбга ўқитиш ва малакаси ошириши учун грантлар ажратила бошланди.

Соҳада амалга оширилган яна бир янгилик, ўтган йилнинг сентябридан бошлаб ишсиз аҳолига ўзини-ўзи банд қилганлиги учун меҳнат патентлари бериш амалиёти жорий этилди. Бунда асосан маҳаллий даражада, маълум бир касб-ҳунар билан шуғулланаётган фуқароларга йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваридан 4,5 бараваригача миқдорда пул тўлаш эвазига меҳнат патенти ҳамда пенсияни ҳисоблаш учун бир йиллик иш стажи ёзилади. Бу билан биринчи галда мамлакатимизда ҳозирда мавжуд 800 минг атрофидаги мустақил равишда ўзини-ўзи банд қилганларнинг келгусидаги пенсия олишлари учун замин яратиш, иккинчидан бу тоифа инсонлар норасмий бандлар тоифасига киришлиги туфайли, уларни расмий бандликда руйхатдан ўтказиш орқали иш ўринлари легаллаштирилишига эришилади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлиги соҳасида олиб борилаётган яна бир кенг кўламли тизим - меҳнат мигрантларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларидир. Аввалги йилларда хорижда меҳнат қилаётган ватандошларимизга ишга жойлашиш, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа масалаларда кўмак берилиб келган бўлса, 2019 йилдан бошлаб уларга имтиёзли шартларда ипотека кредити бериш орқали уй-жойлар ажратилиши,

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳаёти ва соғлиғини ҳамда бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш, шунингдек, имтиёзли шартларда микроқарзлар ажратиш каби тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Бу чора-тадбирлар хорижда меҳнат қилаётган 2,5 миллион нафардан ортиқ ватандошларимизга қаратилаётган эътиборга мисол бўлади. Бундан ташқари, мигрантлар томонидан Пенсия жамғармасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4,5 баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини тўлаш тартиби жорий этилди, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар иш стажига қўшилади.

Давлат дастурлари доирасида яратилган иш ўринлари сони



* 2020 йилги бандлик дастури муҳокамага қўйилган бўлиб, унда йил давомида яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари келтирилган.

Жорий йилда ҳам мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб иш ўринларини ташкил этиш ҳамда имкон борича ишсизликни пасайтириш мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Дастурда жорий йил якунигача 380 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этиш, меҳнат органлари томонидан 460 мингдан ортиқ ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда 600 мингдан ортиқ мустақил тарзда даромад олаётган ва яширин иш ўринларида ишлаётган шахсларнинг иш ўринларини расмийлаштириш (меҳнат патентлари бериш орқали иш ўринларини легаллаштириш) кўзда тутилган. Агар ушбу санаб ўтилган рақамлар ўз вақтида ва оширилган ҳолда бажарилса, мамлакатимизда йил якунида ишсизлик даражаси 8,2-8,4 % гача пасайиши мумкин.

Шу билан бирга, жорий йилда аҳоли бандлиги соҳасида қўйидаги тадбирлар ҳам амалга оширилиши мўлжалланмоқда:

- тадбиркорлик субъектлари учун бизнес ва инвестиция муҳити қулайлигини ошириш, оилавий тадбиркорлик ва шахсий томорқаларни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш;

- ҳудудларда, айниқса ишсизлик даражаси республика ўртача миқдоридан юқори бўлган ҳудудларда ишсизликни янада камайтиришга эътибор қаратиш;
- жойларда меҳнат органларига мурожаат қилган ишсизларга сифатли ва юқори тезликда хизматлар кўрсатиш;
- норасмий банд бўлганларни расмий меҳнат муносабатларига жалб этиш;
- ишсизларни, айниқса ёшлар ва аёлларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган, айниқса ногиронлиги бор шахсларни иш билан бандлигини таъминлаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига турли имтиёзлар бериш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;
- чет мамлакатларга ишга кетаётган мигрантларни хорижий тил ва зарур касб-ҳунарга ўргатиш, уларни бораётган давлат қонунчилиги ва тартиблари билан таништириш ҳамда ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлашишига кўмаклашиш ва ҳ.к.